
МАҲМУД САТТОРОВ
АКРАМ КАТТАБЕКОВ
ОЛИС
ЮЛДУЗЛАР
ЖИЛОСИ

Кўз олдимдан кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар
Тополмасдан туғилган жойин...
...Номи қутлуғ гулшаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

ТАСВИР ВА ТАҲЛИЛ

Ватан тарихидан руҳланиб

Ўзбек тарихий прозаси Октябрь революцияси туфайли юзага келган янги, совет адабиётининг мевасидир. Фақат ўзбек адабиётидагина эмас, умуман Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларида реалистик роман жанрининг дастлабки намуналари асосан тарихий мавзуда яратилган. Бу ҳодиса баъзи вульгар-социологик қарашларда бўлганидек, «замонавийликдан қочиш» ёки «ўзини ўтмишга уриш» деган маънони англатмайди, албатта. Аксинча, тарихий роман ҳамиша янги ҳаёт учун курашнинг олдинги сафида бўлди. Филология фанлари доктори П. Шермуҳамедов ўзбек адабиётида тарихий роман

тараққиётининг «уч тўлқини»ни қуйидагича белгилайди: мазкур жанр шаклланиши ва тараққиётининг «биринчи тўлқини 20-йилларга тўғри келади ва у Абдулла Қодирий номи билан вобастадир. Шундан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди ва Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Сергей Бородин, Миркарим Осим номи билан боғлиқ иккинчи тўлқин туғилди, ўзига хос тараққий этди ва тарихий воқеа-ҳодисаларнинг реалистик, ижтимоий-психологик тасвирини чуқурлаштириш нуқтаи назаридан қараб айтганда, тарих муаммосини ечишда ўз йўлини топди.

Эндиликда биз ўзбек тарихий прозасининг учинчи тўлқини — Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом, Тўлепберген Қаипбергенов, Пиримқул Қодиров, Явдат Илёсов каби адибларнинг ўтмиш даврнинг ижтимоий ва ҳиссиёт дунёси, асрнинг ахлоқий образи кўп жиҳатдан янгича ишланган янги романлари ҳақида тўла ҳуқуқ билан сўзлаш имкониятига эгамиз» [1].

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий ўзининг ажойиб романлари «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» билан ўзбек тарихий романининг пойдеворини яратган ва унинг асосий принципларини ишлаб чиққан бўлса, Ойбек бу анъанани давом эттирди ва янги босқичга кўтарди. Унинг «Қутлуғ қон» ва айниқса, «Навоий» романи жаҳон тарихий романчилиги билан баҳслаша оладиган ғоявий ва бадиий етук полотнолар қаторига киради.

Тарихий романчилик тараққиётининг турли босқичларида шаклланган бу илғор анъа-

[1] «Шарқ юлдузи» журнали, 1980, 7-сон, 194-бет.

наларни қабул қилиб ва уларни ўз миллий заминида ижодий бойитаётган бугунги ўзбек адабиёти халқ тарихининг турли даврларига мурожаат қилиб, ғоявий ва бадиий юксак асарлар билан тобора бойиб бормоқда.

Ўзбек совет тарихий романчилиги тараққиётининг юқорида айтиб ўтилган уч этапини ўзаро қиёслаб кўрсак, уларнинг ҳар бири жанр тараққиётининг фақат шу давригагина хос бўлган специфик хусусиятларга эга эканлиги кўзга ташланади. 20-йиллар тарихий прозасида документал асос етакчи роль ўйнамайди. Айрим салбий қаҳрамонлар ва баъзи тарихий воқеалар реал асосга эга бўлса-да, ҳали бу давр адабиётида буюк тарихий шахсларни асарга бош қаҳрамон қилиб олиш ва реал тарихий фактлар асосида уларнинг моҳиятини кенг миқёсда очиб бериш анъана тусига кирмаган эди. Уларда жамият прогрессив кучлари вакилларининг тўқима-романтик образи етакчи ўринни эгаллайди. Аммо тарихни прогрессив нуқтаи назардан тасвирлашда, жамият нобоплиги билан келиша олмаган илғор, тараққийпарвар кишилар образини яратишда ва улар фаолиятига «халқ нуқтаи назаридан баҳо бериш»да (Добролюбов) А. Қодирийнинг хизматлари катта бўлди.

Тарихий роман тараққиётининг иккинчи даври — 40-йиллар иккита новаторлик белгиси билан ажралиб туради: булардан бири — жанр тарихий ва документал асосининг кучайиши бўлиб, ўтмишда бўлиб ўтган йирик воқеалар, миллат ҳаётида сезиларли из қолдирган тарихий шахслар ҳаётини асар марказига қўйиш («Навоий» романи) бўлса, иккинчиси, ўзбек адабиёти учун принципиал аҳа-

миятга эга бўлган тарихий-революцион романнинг («Қутлуғ қон») туғилишидир.

Ойбекнинг «Навоий» романи ўзбек тарихий прозасининг кейинги тараққиёти учун икки жиҳатдан ибратли бўлди: биринчидан, юқорида айтганимиздек, тарихий буюк шахс образини яратишнинг принциплари ҳам назарий, ҳам амалий ишлаб чиқилиши ва шу орқали тарихий-биографик романга асос солиш бўлса, иккинчидан, халқ маданияти ва маънавияти тарихи биринчи бор монументал планда ишланди.

60—70-йиллар ўзбек тарихий романчилигининг чинакам кўтарилиш даври бўлди. Кетма-кет О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», П. Қодировнинг «Юлдузли туплар» каби ғоявий-бадиий етук романлари юзага келди. Бундан ташқари, М. Осимнинг бир қатор янги қиссалари, Н. Сафаровнинг «Момақалдироқ», Х. Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши», Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк» тарихий революцион романлари, А. Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари», Ойбек, А. Қаҳҳор, Н. Сафаровларнинг автобиографик қиссалари сўнгги давр прозасида мазкур жанрни етакчи ўринга олиб чиқди. Маълумки, адабиётшунослик мазкур адабиётдаги конкрет адабий ҳодисаларга асосланади. 60—70-йиллар адабиётида тарихий тема шу даражада кенг ривож топган экан, адабиётшунослик ҳам бу ҳодисани четлаб ўтиши мумкин эмас.

Олимлар, баҳслар

Сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигида тарихий прозанинг тараққиёт тенденцияларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг кўплаб пайдо бўлаётганлигини

шу билан изоҳлаш мумкин. Бошқача таъбир билан айтганда, ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда бир қатор монографик характердаги тадқиқотларнинг юзага келганлиги қувончли ҳодисадир. Адабиётда тарихийликнинг замонага хизмати хусусидаги фикр олишувлар рус адабиётшунослари М. Б. Храпченко, К. Зелинский, С. М. Петров, Г. Ленобль, Г. Поспелов, В. Оскоцкий, Б. А. Леонов, Кузьмин, Г. А. Абрамович, Л. Тимофеев, Ф. М. Головенченко, Шепилова, Г. В. Владимиров, Вл. Владимиров, Р. Мессер, Л. Разгон, Ю. А. Андреев, М. Бахтин, Б. Мейлах, Г. Ломидзе, Л. Якименко, А. Метченко, Т. К. Лобанова, қозоқ М. Қоратоев, туркман С. Қарриев, қирғиз Қ. Бобулов, тожик М. Шукуров, озарбайжон Ш. Солмонов, қорақалпоқ Қ. Мақсетов, бурят В. Найдаков ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотларида катта ўринни эгаллаган бўлса, бу масалага ўзбек адабиётшуносларидан (Абдулла Қодирий, С. Айний, Ойбек, Шайхзода, Одил Ёқубов, П. Қодировларнинг тарихий мавзудаги асарлари муносабати билан) И. Султонов, В. Зоҳидов, Ҳ. Ёқубов, М. Қўшжонов, Л. Қаюмов, О. Шарафиддинов, А. Алиев, Б. Файзиев, А. Қулжонов, С. Мирвалиев, М. Маҳмудов, А. Каттабеков ва бошқа кўпгина олимлар муносабат билдириб келдилар. Айниқса, булар орасида М. Қўшжонов (Ойбек «Навоий», А. Қодирий «Ўтган кунлар»), А. Алиев (А. Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»), Ҳ. Ёқубов (Ойбек, «Қутлуғ қон», «Навоий»), А. Қулжонов, Ғ. Каримовларнинг илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

М. Қўшжоновнинг «Ойбек маҳорати», «Аб-

дулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати», Ҳ. Ёқубовнинг «Адибнинг маҳорати», Л. Қаюмовнинг «Аср ва наср», С. Мирвалиевнинг «Ўзбек романи», «Тарихийлик ва замонавийлик», А. Алиевнинг «Абдулла Қодирий», «Ижод ва изланишлар», И. Мирзаевнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси», М. Маҳмудовнинг «Талант ва ижод фалсафаси», П. Шермуҳамедовнинг «Қаҳрамоннинг маънавий дунёси», А. Каттабековнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат» каби монографиялари шундай асарлар жумласига киради. Уларда тарихий асарлар атрофлича тадқиқ этилади, ўзбек адабиётида мазкур жанр тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ёритилади, тарихий романнинг муҳим назарий масалалари бўйича салмоқли фикрлар ўртага ташланади. Чунончи, С. Мирвалиев «Ўзбек романи», «Тарихийлик ва замонавийлик» китоблари билан 60—70- йиллардаги ўзбек тарихий романларининг тараққиёт йўлларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбек романининг шаклланиши ва тараққий этишини атрофлича ёритган олим бу жанр ривожида тарихий романларнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлайди. Тадқиқотчи ўзбек адабиётида тарихий роман тараққиётини умумсовет, жаҳон тарихий романчилиги тараққиёти контекстида олиб текширади.

Асарда тарихий романнинг жанр хусусиятлари борасида кўпгина дадил ва конкрет назарий хулосалар илгари сурилади. Бу назарий хулосалар А. Қодирий, С. Айний, Ойбек каби сўз санъаткорлари асарлари мисолида ишонарли далилланади.

М. Қўшжоновнинг «Ойбек маҳорати» ки-

тобига кирган «Буюк шахс фожиаси» мақоласида улуғ ўзбек шоири ва мутаффаккири Навоий образи юксак маҳорат билан тасвирланганлиги кенг кўламда ёритилади. Тадқиқотчи Навоий ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитни, романда тасвир этилган халқ вакиллари образларини, Ҳусайн Бойқаронинг мураккаб характерли фаолияти, Навоий билан омма ўртасидаги муносабатларни батафсил илмий шарҳлайди. Шу тариқа олим «Навоий» романининг ғоявий-бадиий хусусиятларини очиб беради. Мазкур мақолада шунингдек, тарихий асарда характер эволюцияси, халқ қатламлари тасвири, асарга берилган тўғри ва нотўғри баҳоларга муносабат, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг мутаносиблиги каби проблемалар қаламга олинади.

М. Қўшжоновнинг «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» («Ўтган кунлар» романи мисолида) китобида эса ўтмиш ҳақидаги асарлар учун муҳим бўлган тарихийлик ва замонавийлик масаласи авторнинг диққат марказида туради. Асарда бош қаҳрамон характерининг тараққиёт йўли ва бу жараённи таҳлил қилишда санъаткор қўллаган усул ва приёмларни кўрсатиш билан ёзувчининг юксак бадиий маҳорати, социалистик реализм методини эгаллашдаги ютуқлари ва муваффақиятлари чуқур ва изчил тил билан таҳлил этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур ишда М. Қўшжонов биринчилар қаторида тарих ва замонавийлик муносабатлари ҳақида ўз қарашларини баён қилиб, адабиётшунослигимизда бу борадаги маълум бўшлиқни тўлдиргандек бўлди.

«Ҳар бир реалистик асар тарихий конкрет-

лик хусусиятларига эгадир,—деб ёзади муаллиф,— аммо тарихийлик даражаси хилма-хил йўллар билан ифодаланади. Замонавийлик деган тушунча ҳам тарихийликни рад этмайди. Асар бугунги кунимизнинг тарихий руҳини, асл моҳиятини очиб бера олганлиги учун у замонавийдир»[1].

Шу фикрини исботлаш учун тадқиқотчи А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести актуал, замонавий бўлиш билан бирга айни пайтда тарихийдир, деган хулосага келади. Бу фикр, бизнингча, мунозарали бўлиб, унга тўла қўшилиб бўлмайди.

«Тарихийлик, давр руҳи,—деб давом этади олим,—ҳамма реалистик асарларда ҳам бўлиши керак. Аммо шундай асарлар борки, уларда реализмнинг бу хусусияти давр учун типик бўлган тарихий шахслар характерини яратиш орқали ифодаланади. Бундай асарларда давр руҳи энг аввало тарихий шахслар характерига боғлиқ бўлиб қолади. Ойбекнинг «Навоий» романи ана шунақа тарихий асарлардандир»[2].

М. Қўшжонов тарихий тематикадаги асарларни икки группага бўлади: 1) бош қаҳрамони тарихий реал шахс бўлган асарлар («Навоий»); 2) конкрет тарихий давр руҳи биринчи планда туриб, «тарихий руҳни ифодаловчи характерлар ёзувчи фантазиясининг маҳсули» бўлган асарлар (С. Айний «Қуллар», Ойбек «Қутлуғ қон»). Шундан келиб чиқиб, тарихий ва бадиий тўқима маҳсули бўлган қаҳрамонларни ҳам тадқиқотчи икки группага ажратади: 1) фаол, тарихга таъсир этувчи қаҳрамонлар; 2) пассив, тарихнинг маҳсули бўлган, аммо тарих тараққиётига таъсир кўрсатмайдиган қаҳрамонлар.

[1] М. Қўшжонов. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 28- бет.

[2] Ўша асар, 29- бет

Бу фикрларини олим ўзи таҳлил этган асарлар — Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Навоий», «Қутлуғ қон» романлари ва уларнинг бош қаҳрамонлари мисолида исботлашга ҳаракат қилади.

Б. Файзиевнинг «Навоий» романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима» монографиясининг ҳам адабиётшунослигимизда маълум ўрни бор. Чунки бунгача бирон конкрет асар мисолида тарихий воқелик ва бадиий тўқима масаласи монографик планда ишлаб чиқилмаган эди. Бу иш санъаткорнинг ижод лабораториясини ўрганиш, бадиий ижод спецификаси, ёзувчининг тарихий материал билан ишлаш жараёнининг тадқиқ қилиниши жиҳатидан ҳам характерлидир.

Олим Ойбекнинг «Навоий» романида шоир образини яратишда XV аср тарихий муҳити, бу муҳитнинг буюк мутафаккир характерининг шаклланишига ва, аксинча, Навоий фаолиятининг бу муҳитга таъсири масалалари тарихийлик принципи нуқтаи назаридан қандай гавдалантирилганлигини тадқиқ қилади. Ойбек «Навоий» образини яратар экан, XV аср муҳитига тарихан тўғри ёндошди, буюк шоир характери ва у фаолият кўрсатган тарихий даврнинг барча характерли хислатларини тарихийлик принциплари асосида тўғри ва объектив ёритди.

Тадқиқотчи романнинг барча компонентларида, ҳар бир ҳолда тарихийлик, яъни

ИНВ. 38800
Обл. библиотека

ўша давр руҳига ҳаётига мос бўлган тасвир берилганлигини кўрсатади.

Узоқ йиллардан буён тарихий тематиканинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёни, хусусан Абдулла Қодирий ижодида тарихийлик ва замонавийлик, бадиий, маҳорат масалалари билан шуғулланиб келаётган олим А. Алиев ўзининг «Ижод ва изланишлар»[1] китобида тарихийлик масаласига атрофлича тўхталади. Монографиядан жой олган «Проза ва тарихий жанр», «Социалистик реализм ва тарихий тематика», «Тарихий тематиканинг тараққиёт босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари» номли проблематик мақолаларда тадқиқотчи тарихий мавзуда яратилган асарлар хусусида фикр юритиб, ўзбек совет адабиётида тарихий тематиканинг тутган ўрни ва унинг тараққиёт босқичларини таҳлил этади. Лекин шуни айтиш керакки, олим тарихий тематиканинг ўзи нималиги, бу мавзу ва жанрдаги асарларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда бирмунча чалкаш фикрларни баён этади. Жумладан «Проза ва тарихий жанр» мақоласида, гарчи тарихий мавзуда яратилган асарларни ҳам ора-сирада тилга олса-да, 20—30-йилларда яратилган соф замонавий асарларни кенг таҳлил қилади. Масалан, А. Қодирийнинг «Жувонбоз», Ҳ. Ниёзийнинг «Янги саодат», З. Баширнинг «Ҳорманг», «Энди тушунди», «Ипак кўйлак», Ш. Сулаймоннинг «Қотил», «Паразитлар», «Профессор уйланди», «Тўти қиз», «Хитой зонтиги», Ғайратийнинг «Тиланчи хотин», А. Қаҳҳорнинг «Ёш

[1] **А. Алиев.** «Ижод ва изланишлар». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976.

қизлар ўгай ота қўлида», «Бошсиз одам» каби ҳикояларини қандай қилиб тарихий асар дейиш мумкин?

Натижада китобхонда А. Алиевнинг бу мақоласини ўқиб, «олим 20—30-йилларда яратилган барча асарларни тарихий тематика маҳсули деб тушунар экан» деган фикр пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Аммо тарихийлик ва замонавийликнинг фарқи ва ўзаро алоқадорлиги А. Алиевнинг шу китобидаги «Социалистик реализм ва тарихий тематика» мақоласида бирмунча дуруст ёритилган. Автор замонамиз ижодкорлари социалистик реализм методида ўтмиш ҳақида бадиий асарлар яратар эканлар, нималарга аҳамият беришлари керак, ўтмишга бағишланган бундай асарларнинг замонавийлиги нимада, тарихий мавзу 20-йиллардан то бизнинг кунларгача қандай ишланди? каби муҳим саволларни ўртага ташлайди ва уларга жавоб қидиради. Ўзбек совет адабиётининг тарихий мавзуда яратилган бой материалларини баҳолашда тадқиқотчи рус адабиётининг шу мавзудаги машҳур намуналарини мезон қилиб олади. Муаллиф улкан совет санъаткорларининг тарихий роман ҳақида билдирган фикрларига суянади.

А. Алиев совет адабиётида тарихий тематиканинг тутган ўрни, бу борадаги муваффақият ва нуқсонлар ҳақида бирмунча муҳим фикрларни ҳам ўртага ташлаган.

Шу китобга кирган мақолалардан яна бири «Тарихий тематиканинг тараққиёт босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари» деб аталади. Бу ном диссертация ёки катта илмий монографияга мавзу бўлиши мумкин. Афсуски, ма-

CamScanner

қола на тарихий тематиканинг тараққиёт босқичлари, на ўзига хос хусусиятлари ҳақида дурустроқ материал беради.

Адабиётшунос А. Қулжоновнинг «Замонавийлик ва ижодий метод»[1] китобида замонавийлик ва тарихийлик масаласи тадқиқ этилган. Мазкур китобда ўзбек адабиётининг эллик йиллик тараққиёти давомида тарихий мавзуда яратилган бадиий асарлар замонавийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бу масалага бағишланган боб бир қарашда А. Алиев тадқиқотига, танланган давр, материал, муносабат томонларидан анча яқин туради. Лекин тадқиқотчи айрим мунозарали масалаларни муайян мақсадда янгича ҳал қилишга уринганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотчи бир қатор асарларни ғоявий-бадиий қиёслаб ўрганишга интилган. Мана шу йўл билан муайян давр адабий жараёнида мазкур жанрдаги асарларнинг ролини; уларнинг ғоявий-бадиий савиясини баҳолайди.

А. Қулжонов бу ишда Ойбек, Уйғун, И. Султонов, М. Осим, Б. Вадецкий, Л. Бать асарларида Навоий образининг яратилиш проблемасини анча чуқур таҳлил қиларкан, бу адибларнинг ҳаммаси ягона ижодий методга — социалистик реализм методига асосланишга бўлса-да, ҳар бирининг индивидуал бадиий тасвир йўли, ижодий услуби мавжудлигини, Навоий образини яратишда бу санъаткорлар, гарчи мақсад бир бўлса-да, турлича йўлдан борганликларини характерли мисоллар билан кўрсатади.

[1] А. Қулжонов. «Замонавийлик ва ижодий метод», Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976.

Олим тарихийлик проблемасининг ўзи нима, бадиий асарда, хусусан тарихий-бадиий асарларда бу принципнинг роли қандай, тарихийлик билан замонавийлик ўртасидаги муносабат ҳозирги адабиётшунослигимизда қандай баҳоланмоқда-ю, аслида қандай баҳоланиши керак, деган саволларга жавоб излайди

Тарихийлик ва замонавийлик масаласини ҳал этиш учун аввало замонавийликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш керак. Замонавийлик у ёки бу замоннинг, даврнинг ўзига хос хусусиятларини, халқнинг ўша даврдаги руҳий оламини тарихан конкрет ёритишдир. Адабиётда замонавийлик замона руҳиятининг ифодаси, характеристикасидир. Шу маънода замонавийлик адабиётнинг юрагидир. Замонавийликдан йироқ, яъни муайян даврнинг актуал проблемаларини кўтариб чиқмаган, кенг ва чуқур бадиий тадқиқ этмаган асарлар қалбга етиб бормайди. А. Қулжонов ўтмишга бағишланган асарларнинг замонавийлиги ҳақида гапира туриб замонавийликнинг энг юқори формаси — коммунистик партиявийликдир, деб таъриф беради. У ёзади: «Замонавий руҳ, замонавийлик — санъаткорнинг тарихга мурожаат этишида, ҳаёт материалларини тушуниши, мавзуларни танлаши ва акс эттиришда бадиий тафаккури, фикрларнинг хусусияти, унинг йўналиши, эстетик кучи, нуқтаи назари сифатида воқеликни тасвирлаш ва образларни яратиш принциплари сифатида мавжуд бўлади ва ҳукмронлик қилади. Худди шу тарзда ўз даври, замонаси билан маънавий ва ғоявий алоқада бўлади. Худди шу маънода унинг (замонавийликнинг) энг юқори формаси — коммунистик партиявийликдир.

Таъбир жоиз бўлса, ўтмишни акс эттиришда санъаткорлар доимо замонавий (илғор) позицияда мустаҳкам туришга интилиб келган, кейинчалик эса бу позициянинг энг олий формаси, юқори нуқтаси коммунистик партиявийлик бўлиб қолади. Йўналишнинг ана шу нуқтаси тарихийлик ва замонавийликнинг ўзаро муносабатларини тўғри белгилашда ҳам принципиал аҳамиятга молик»[1].

Тарихийлик проблемасига, «тарихийлик» терминига адабиётшунослар қандай ёндашмоқдалар? Юқорида ишлари тилга олинган олимлар тарихийликка (тема, жанр, асар, принцип, проблема маъноларида) таъриф беришмаган. Ваҳоланки, тарихийлик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлмай туриб, тарихийлик ва замонавийлик каби мураккаб масалани ҳал қилиш мушкул.

Ҳар терминнинг ўз маъноси бор

Тарихийликнинг ўзи нима? деган саволга жавоб қидириш керак бўлади. Тарихий асар билан замонавий асар ўртасида фарқ борми? Бўлса, қандай? Тарихий асар адабиётшунослигимизда ҳозиргача ҳам турлича изоҳланиб келинмоқда. Баъзи тадқиқотчилар ўтмиш ҳақида ёзилган асар тарихийдир десалар, иккинчи бир гуруҳ олимлар, бундай асар сўзсиз тарихий фактларга асосланиши зарур, бироқ санъаткор мана шу конкрет фактларни бир оз бадиийлаштириб бериши лозим, деган фикрда. Яна бир гуруҳ олимлар тарихий асар бу ўтмиш ҳақида баҳс этувчи, документалликка қатъий риоя қилин-

[1] А. Қулжонов. «Замонавийлик ва ижодий метод», Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976.

ган, айни пайтда ижодкор фантазиясига ҳам кенг эрк берилган бадиий етук асарлардир, деган таърифни илгари сурадилар. Бу проблема борасидаги энг сўнгги даврда айтилган фикр қуйидагича: тарихий асар типик характерлар воситасида у ёки бу даврнинг бутун драмасини, руҳиятини барча мураккабликлари билан очиб бериши керак. Бу йўлда санъаткор ўз ижодий ғояси, материали, индивидуал услуби талабларига биноан асарнинг бош қаҳрамони сифатида тарихий шахсни олиши, истаса, мутлақо бадиий тўқима образлар воситасида муайян тарихий даврнинг руҳиятини очиб бериши мумкин, деган фикрдалар (жумладан, М. Қўшжонов, С. Мирвалиевлар шу фикрда). Айтайлик, «Навоий» романининг бош қаҳрамони тарихий реал шахс бўлса, «Қутлуғ қон» романи қаҳрамони бадиий тўқима, йиғма типик образдир. Бу иккала принцип ҳам ўзича асарнинг умумий савиясига, баҳосига таъсир қилмайди.

Айрим тадқиқотчилар тарихийлик ҳақида, мулоҳаза юритишар экан, асосий масалада — тарихийликнинг ўзи нима деган саволга ноаниқ, чалкаш жавоб берадилар. Бу проблема ҳақида фикр билдиришдан олдин *тарихийлик* сўзининг луғавий маъносини яхши тушуниб олмоқ керак. Бизнингча, *тарихийлик* сўзи икки хил маънога эга. Биринчиси, *тарихий* сўзи бу — ўтмиш тарих, унинг воқеа-ҳодисалари, шахслари ҳақидаги асарнинг мавзуси маъносида келади. Бундай (яъни, тарихий) асарларда ўтмишнинг муайян босқичи, маълум тарихий шахс ижодкорнинг талант йўналишига кўра реал факт ва ҳодисалар асосида ёритилади. Иккинчи ёзувчи фантазияси, бадиий

тўқима воситасида ўша тарихий даврга хос типик характер ва воқеалар бадиий тадқиқ қилинади. Бу демак, *тарихийлик* терминининг тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилувчи асарларга нисбатан ишлатилишидир.

Тарихийлик сўзининг иккинчи маъноси — асарнинг мавзусига нисбатан эмас, аҳамиятига нисбатан қўлланилади. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. Кўпгина тадқиқотчилар *тарихий асар, тарихийлик, тарихий принцип, тарихий жанр* сингари ибораларнинг ҳаммасини бир маънода, яъни тарихийлик маъносида ишлатадилар. Фикрий чалкашлик шундан келиб чиқади.

Бундай ҳолда у ёки бу асарнинг адабиётда, инсоният маънавий камолотида ўйнаган роли, аҳамияти ҳақида гап боради. Шунинг учун ҳам бу маънодаги *тарихийлик* терминини ўтмиш ҳақидаги асарларга нисбатан ҳам, соф замонавий асарларга нисбатан ҳам қўллайвериш мумкин. *Тарихийлик* сўзини ўтмиш ҳақидаги асарларга нисбатан ишлатилар экан, айни пайтда бу ўша асарнинг қаҳрамонлари ўзида ифодалаган ғоялар ўз даври учун ҳам, бизнинг даврimiz учун ҳам замонавий, актуал эканлигини белгилайди. Агар тарихийлик сўзи ҳозирги замонга оид асар тўғрисида ишлатилар экан, бу асар бугунги кунинг тарихдаги ўрнини қай даражада очиб бера олганлигини белгилайди. Яъни тарихийлик замонавийлик тушунчасини янада бўрттиради. Танқидчиликда тарихий асарларга нисбатан «тарихий мавзудаги асар», «тарихий жанрдаги асар» деган терминлар қўлланади. Бизнингча *тарихий тематикадаги, тарихий мавзудаги асар* дейиш тўғрироқ бўлса керак; негаки тарихий асар

адабиётнинг уч турида (проза, поэзия, драматургия), шу уч турнинг таркибига кирувчи барча жанрларда яратилиши мумкин (тарихий ҳикоя, тарихий повесть, тарихий роман, тарихий драма, тарихий поэма, шеър, баллада ва ҳ. к.). Шундай экан, тарихий сўзи жанрнинг турини изоҳлаб келади. Жанрнинг ўзи эса ҳар қандай шакл каби тарихий ёки замонавийликдан устун туради. «Тарихий жанр» ёки «тарихий жанрдаги асар» атамалари жанрлар масаласини чалкаштиради.

М. Қўшжонов тарихийликни ўтмиш ва ҳозирги замон ҳақидаги асарларда бирдек керак бўлган муҳим принцип деб билади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестини тарихий асардир, деган фикрни илгари сурганда асарнинг материалини эмас, аҳамиятини назарда тутади. А. Қулжонов эса тарихийлик билан замонавийликнинг муносабатини фақат ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар таҳлили мисолида исботлашга уринади. С. Мирвалиевнинг «...асарнинг аҳамиятини «замонавий» тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда «тарихий» билан «замонавий» тушунчаларини бир-биридан айириб, бошқа-бошқа маънода қўлланишга ҳожат қолмаган бўларди. Бундай ҳолларда тарихий-бадиий асарни тарихий дедик нима-ю, замонавий дедик нима — аҳамиятсиз бўлиб туюлади»[1],— деган фикрини А. Қулжонов «замонавийликни нотўғри, примитив тушуниш» деб баҳолайди. С. Мирвалиевни «замонавийлик масаласи нуқтаи назаридан «Навоий» ва «Қутлуғ қон» ро-

[1] С. Мирвалиев. Ўзбек романи. Т., «Фан» нашриёти. 222—223- бетлар.

манларини нотўғри таҳлил қилган, тор тушунган» деб айблайди. Аслини олганда, бизнингча, бу мунозарада С. Мирвалиевнинг фикри, хулосаси тўғрироқ. Ахир замонавийлик деган тушунча билан тарихийлик тушунчаси ўртасига тенглик аломати қўйиб, уларни бир нарса деб тушунтириш принцип жиҳатдан хатоку! Асарларни тематик жиҳатдан бир-биридан фарқлаш учун *тарихий мавзудаги асар* ёки *замонавий мавзуда ёзилган асар* деган изоҳни ишлатиш нимаси билан хато? Бу билан ҳеч ким, жумладан, С. Мирвалиев ҳам тарихий темада ёзилган асар ҳозирги замонага хизмат қилмайди, демоқчи эмас. Аксинча, олим масалани ойдинлаштираётир. Совет адабиётида тарихий тематикада ёзилган асарлар замонамиз учун аҳамиятли, актуал бўлиб, ҳозирги замон кишисининг туйғу ва эстетик идеалларини бойитиши, билимини ошириши, ҳозирги замон проблемаларини чуқур тарихий илдизлари билан ҳис қилиши, тушунишида катта роль ўйнашини совет адабиётшунослигида ҳеч ким инкор қилмайди. Ўтмиш темасида қалам тебратиб, санъаткор уни замонага хизмат қилдиради, яъни замон ғояларини қўллаб-қувватлайди, демак, тарихий темадаги асарлар шу маънода замонавийдир. Шунга қарамасдан, тарихни замонавийликка қарши қўйиш, унинг бугунги кун учун аҳамиятини камситиш ҳоллари баъзан учраб туради.

Ғарб адабиёти тарихий романининг шаклланиш даврини бошдан кечирган XIX аср бошларида баъзи олим ва ёзувчилар тарихий романда «илм ва адабиёт ўртасидаги қонунсиз фарзанд»ни кўрган эдилар. Тарихий роман моҳиятига чуқур кирмай, ундан кўпгина

«бемаъниликлар» топган ўша даврнинг йирик ёзувчилари Л. Фейхтвангер ва А. Дюмалар қараши ҳам бу тур асарлар обрўйига салбий таъсир қилди. Илмда эса йирик олим А. Покровский номи билан боғлиқ бўлган тарихга «четга улоқтирилган сиёсат» деб қараш ҳам бирмунча вақт жанр тараққиётини бўғиб турди. Булар гўё ҳаммаси ўтмишга айланган, унутилган, бу борада яхлит фикрга келинган дейиш мумкин эдию, лекин грузин ёзувчиси, Чабуа Амирэджибининг яқинда эълон қилинган бир мақоласи эски скептик қарашлар яна жонланаётганидан дарак берувчи сигналдай кўпчиликни сергаклантирди.

«Дружба народов» журнали мухбири билан суҳбатда Ч. Амирэджиби шундай дейди: «Менимча, ҳозирги кунда тарихий роман жанри бутунлай йўқ. Мен нимани назарда тутаман? Ўтмишнинг маълум бир бўлагини ёритувчи, факт ва саналарга қатъий амал қилувчи, реал тарихий шахслар тасвирида эркинликни ман қиладиган ва умуман бадиий тўқима қатъий чегараланган анъанавий тарихий роман бугунги кунда деярли йўқ. Адабиёт олға силжияпти ва анъанавий формадаги тарихий роман билан шуғулланишга бизнинг вақтимиз ҳам йўқ. Ҳаёт жуда тез ўзгариб бормоқда, инсон психикасида ҳам шундай буюк ўзгаришлар рўй бермоқдаки, у адабиётда ва жумладан тарихий асарда ҳам ўзининг муносиб инъикосини топиши керак.

Шундай проблемалар бўладики уларнинг маънавий мазмуни ўтмиш материалига мурожаат қилганимизда ёрқинроқ намоён бўлади». Ва ниҳоят ёзувчи тарихий роман ҳақида ўз фикрини шундай ифодалайди: «Умуман

CamScanner

олганда, тарихий роман гўё мен фойдаланадиган бир методга ўхшайди»[1]. Бу гап А. Дюманинг «Тарихий роман — мен ўз расмларимни осадиган михдир» деган фикрини бенихтиёр ёдга солади. Демак, ёзувчи ўтмиш материалидан бугунги кунга хизмат қиладиган нуқталарни эмас, аксинча, бугунги кун проблемаларидан ўтмиш материалига боради, яъни ўтмиш унинг учун бугунги кун проблемаларини ҳал қилишда бир фон, декорация ролини ўйнайди. Л. Фейхтвангернинг шу каби қарашларини танқид қилиб, 30-йиллардаёқ М. Серебрянский ёзган эди: «Тарихий роман мазмунини фақат ёзувчининг ўз замони ҳақидаги субъектив тасаввурларидан иборат деб тушуниш — бу, демак, бир томондан тарихий романда ўтмишни ўрганиш мумкинлигини инкор этиш бўлса, бошқа томондан — тарихни, яъни санъатнинг материали ва мавзуси сифатида ўтмишни инкор этишнинг ўзгинасидир»[2]. Замонавийлик умуман адабиётда бўлгани каби тарихий романнинг ҳам қалби саналади. Лекин бу тарихий ҳаёт фонида бугунги кун проблемалари ҳал қилинади деган гап эмас.

Замонавийлик тарихий романнинг проблематикасига, бутун тўқимасига органик равишда сингдирилган бўлади. Бундан ташқари тарихий романнинг ҳамиша конкрет тарихни жонлантириши, унинг ўтмишимизни конкрет ўрганишда муҳим манба эканлигини ҳам ҳамиша ёдда тутиш керак. Тарихийлик ва замонавийлик бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, шу нуқтада улар бир-биридан фарқланади.

[1] «Дружба народов», 1980, II-сон, 265-бет.

[2] **М. Серебрянский.** Советский исторический роман. М. Гослитиздат, 1936, 147-бет.

Замонавийлик, айтганимиздек, асарнинг мазмунига сингдирилади, агар бу хусусият асар формасига кўчирилса, тарихийлик принципи сўзсиз бузилади. Тарихийлик асар қаҳрамонларининг нафақат савияси, дунёқарашида, ҳатто ҳис-туйғулари, эмоцияларида ҳам сақланиши лозим. Тарихийлик авторнинг тасвирланаётган материалга ҳақиқий «тиниган» ўтмиш деб қарашида ҳам намоён бўлади.

Яна бир фикр. *Тарихийлик* термини сингари адабиётшунослигимизда жуда актив қўлланиладиган *тарихий шахс* термини ҳам ҳозирги ишлатилиш маъносига кўра, бизнингча, анча мунозарали, ноаниқдир. *Тарихий шахс* деганда ижобий мазмундаги, асосан ўзларининг буюк ғоялари учун кураши билан тарихда абадий яхши ном қолдирган шахслар англанади. *Тарихий* сўзи бу ўринда шахсга нисбатан шубҳасиз *буюк, мўътабар* сўзлари билан маънодош. Лекин кўпгина илмий ва бадиий асарларимизда энг ярамас кирдикорлари билан «ном қозонган», халқ тавқи-лаънатига дучор бўлган шахсларни ҳам «тарихий шахслар» деб юритилади. Бу юқоридаги *тарихий* сўз-терминининг луғавий маъносига мутлақо ётдир. Бизнингча, бундай шахсларни бадиий тўқима образлардан фарқлаб номлаш учун «ўтмишдаги реал шахслар» деб атайверсак бўлади. *Тарихий* сўзи-термини абадул-абад ўзининг буюклик маъносини сақлаб қолиши керак!

Умуман, тарихий роман қаҳрамонларини аташ масаласи ҳам бирмунча мунозараларга сабаб бўлган.

Адабиётшунос Л. П. Александрова ўзининг «Совет тарихий романчилиги ва тарихийлик масаласи» китобида бош қаҳрамон

тарихий шахс ёки тўқима бўлиши нуқтаи назаридан тарихий романни икки турга бўлади.

1. Тарихий роман (роман-эпопея, тарихий-биографик, роман-хроника каби турлари билан биргаликда).

Бундай асарларнинг қаҳрамонлари реал тарихий шахслардир («Пётр I», «Багратион», «Дмитрий Донской» каби).

2. Тарихий-бадиий роман — ўтмишдаги машҳур воқеалар ва даврлар ҳақида тўқима қаҳрамонлар тақдири воситасида ҳикоя қилади. («Тинч Дон», «Сарсонлик-саргардонликда» ва ҳ. к.). Шу таклифдан келиб, чиқиб, Л. Александрова тарихий асар қаҳрамонларини қуйидаги терминлар билан аташни таклиф қилади.

1. «Образ-характер»—тарихий асарда иштирок этувчи ва маълум ғоя ташувчи оддий инсон образи.

2. «Тарихий персонаж»—бу маълум даврдаги реал шахс (Василий Ус, Кривой Фрол, Разин Степан., ва б.).

3. «Тарихий шахс» — ўзида даврнинг илғор белгиларини ташувчи актив қаҳрамон (Пётр I, Иван Грозный, К. Маркс ва ҳ. к.). Булар адабий типлар сифатида намоён бўладилар.

Бу атамалар гарчи биз таклиф қилган *тарихий шахс* терминининг ислоҳи ҳақидаги фикрга яқин келса-да, бу ерда ҳам бирмунча чалкашликлар мавжуд. Аввало тарихий роман турларини аниқлашда Л. Александрова фақат бир белги — бош қаҳрамон тарихийми

ёки тўқима эканлигидан келиб чиқади. Ахир тарихий асарнинг бош қаҳрамони кимлигидан ташқари яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари борки, уларни ҳисобга олмай қилинган тасниф тўла бўлмайди. Қолаверса, тарихий ва тарихий-бадиий роман деган терминларнинг ўзида ички зиддият, мантиқсизлик бор. Реал шахс қатнашмаган роман «тарихий бадиий роман» бўлар экан, демак тарихий шахс иштирок этган роман бадиий эмасми? Қолаверса, «бадиий» ва «роман» сўзларининг ўзи бир-бирини такрорлаб келаяпти: яъни бадиий бўлмаган асар қандай қилиб роман бўлиши мумкин. Бу тасниф бўйича тарихий романнинг классик намунаси «Уруш ва тинчлик» ҳам тарихий роман бўла олмайди.

Қаҳрамонлар атамасида ҳам худди шундай чалкашлик мавжуд: оддий одам — «образ-характер» бўлдию, тарихий шахс образ-характер бўла олмайдими? Бунда улар қандай эстетик қимматга эга бўлади?! Мана шуниси ажабланарлики, нега Степан Разиндек йирик тарихий шахс оддий персонажлар қаторига тушиб қолди? У тарихий шахслар каби ўзида «даврнинг илғор белгилари»ни акс эттирмайдими? Мана шу мулоҳазаларнинг барчаси бирлашиб Л. Александрова таснифини ҳам шубҳали қилиб қўяди.

Грузин адабиётшуноси В. К. Цискаридзе бир оз бошқачароқ тасниф таклиф қилади. У реал шахслар образини бадиий асарда «тарихий шахс» деб аташни, тўқима қаҳрамонларни эса «тарихий образ» деб аташни маслаҳат беради. Яна ўша қонуний савол кўндаланг бўлади: тарихий шахс образ бўла олмайдими? Бизнингча, масалани бунчалик чал-

каштириб ўтиришга ҳеч ҳожат йўқ: мавзу сифатида роман жанри ва унинг ўз материалига кўра икки тури мавжуд: тарихий ва замонавий. Тарихий роман ўз ичида турчаларга бўлинади, *тарихий-инқилобий, тарихий-биографик, тарихий-саргузашт* ва ҳ. к.

Тарихий романнинг қаҳрамони реал шахс ҳам, ёзувчининг бадиий тўқимаси бўлган образ ҳам бўлиши мумкин. Уларни шундай ўз номи билан атайвериш керак, яъни «Навоий — тарихий шахс образи», «Арслонқул — бадиий тўқима образ», вассалом. И. Султон «романнинг жанрини белгилашда «тарихий» сўзини қўшмаслик тарафдориман. Оддий қилиб роман, повесть, ҳикоя деб ёзавериш керак»[1]— дейди. Афсуски, бу қизиқарли, оригинал фикр олим томонидан атрофлича изоҳланмайди.

Адабиёт ўқитувчилари дарс жараёнида назарий масалалар, жумладан тарихий роман ҳақида тушунча берар эканлар, сўнгги давр адабиётшунослигида мана шу мунозараларни ҳамиша диққат марказида тутишлари ўқувчилар фикрини термин чалкашлиги билан чалғитмасликлари лозим бўлади.

Тарихий асар: катталар ва болалар адабиёти

Болалар ва ўсмирлар учун яратилган асарларнинг катта қисми тарихий-қаҳрамонлик мавзусида. Аждодларимиз жасорати ҳақидаги қаҳрамонлик, тарихий-биографик, тарихий-автобиографик, тарихий-революцион, тарихий-фантастик, тарихий-мемуар, тарихий-ҳужжатли характердаги ўнларча асарлар болалар ва ўсмирлар учун ёзилган. Бундай асарларда та-

[1] «Гулистон» 1980, 1-сон, 17-бет.

рихий замонга хизмат қилдириш бош масала саналади. Ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида, коммунистик идеалларга садоқат ва эътиқод руҳида тарбиялаш, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, интернационализм туйғуларини мустаҳкамлаш ва билимларини ошириш борасида бундай асарларнинг роли беқиёсдир. Шундай экан, биз юқорида кўрган ўтмиш ҳақидаги асарларнинг тарихийлиги масаласи ўзбек совет болалар ва ўсмирлар адабиётига ҳам тўла тааллуқлидир.

Тарих аждодларимиз, боболаримизнинг жуда кўп қаҳрамонликлари, жасорат ва ватанпарварлик курашларининг гувоҳидир. Халқ озодлик курашчиларини ҳамиша севган, уларни олқишлаб куйлаб келган. Тарихий қаҳрамонлар, айниқса инқилоб қаҳрамонлари сўз санъаткорларини жуда кўп йиллардан буён қизиқтириб, уларга илҳом бағишлаб келади. Шунинг учун ҳам социалистик санъатда тарихий-революцион мавзу жуда катта ўрин эгаллайди. Ота-боболар озодлик учун қандай курашдилар, бу кураш қандай қурбонлар эвазига қўлга киритилди, бу инқилоб бизни қандай офатлардан қутқазди — бу масалаларнинг ҳаммаси шу буюк ўзгаришларнинг ижодкори, яратувчиси бўлган халқ ворислари — ёш авлодда муттасил катта қизиқиш уйғотади. «Ёшларимиз,— деган эди М. Горький Ф. Гладков билан суҳбатда,— ўзларидан олдин ўтган авлодлар қандай тарихий йўлларни босиб ўтганларини, фарзандлари ва невараларига бахтли турмуш яратиб бериш йўлида қандай даҳшатли курашларни бошдан кечирганликларини билишлари шарт. Уларга инсон характери шаклланишининг мураккаб жараёни-

ни, унинг меҳнатда ҳам, курашда ҳам бирдай сабот ва матонат кўрсатганини бадиий бўёқларда тасвирлаб бермоқ керак»[1].

Коммунистик тарбия мазмунининг бош масаласи ҳам ўсиб келаётган янги авлодни ўз ота-боболарининг революцион ғояларига содиқ, инсоният озодлиги, тинчлиги учун толмас курашчилар қилиб тайёрлашдир. Шу боис тарихий-революцион мавзу кенг ишланаётганлиги қувонарли ҳол.

Катталар тарихий-қаҳрамонлик бадиий прозаси билан болаларга мўлжаллаб ёзилган тарихий-бадиий асарлар ўртасида қандай умумийлик ва фарқлар мавжуд? Ҳар иккала турдаги асарлар учун ҳам материал танлаш ё тарихий факт ва шахс тақдирига таянган ҳолда документал асар яратиш, ёинки кўпроқ бадиий тўқима, фантазия ва йиғма образлар воситасида маълум бир даврнинг типик манзарасини чизиб бериш хусусиятлари муштарак. Адиб ўз ижодий ниятидан келиб чиқиб, бу усуллардан истаганини танлаб олиши мумкин. Шунингдек, катталар учун тарихий асарларни ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари ҳам бемалол ва қизиқиш билан ўқишлари табиий. Фарқ шундаки, катталарга йирик полотнода ўтмиш ҳаётнинг барча қатламлари мураккабликлари, уларнинг турмуш тажрибалари, билим ва савияларини ҳисобга олган ҳолда ёритилса, одатда ёш китобхонлар бундай турмуш тажрибасига, билим ва малакага ҳали эга бўлмайдилар. Шунинг учун ёш китобхон учун унинг савиясига мос, ўтмиш муайян давр, тарихий шахс ҳақида

[1] **Ф. Гладков.** Собр. соч. в 5-ти т. Т., 4., М. ГИХЛ, 1951, 7- бет.

конкрет ва айни пайтда, ёркин таассурот берадиган асарлар талаб этилади. Бундай асарларда тарихий шахс ёки ўтмиш ҳақида гапирилганда китобхоннинг ёш хусусиятлари алоҳида ҳисобга олинади. Бу хусусиятни фақат ёзувчигина эмас, шундай асарларни таҳлил қилишда тадқиқотчи ҳам алоҳида ҳисобга олиши лозим.

Болалар учун ёзиладиган бадиий асарлар уларнинг ёши ва савияси талабларига мос бўлиши шарт эканлигини таъкидлаб М. Горький шундай ёзганди: «Ёзувчи ўз асарини кимга қарата ёзаётганини олдиндан билиши керак. Шундай қилинмаган тақдирда унинг китоби ўқувчисиз қолади... Болалар ёзувчилари ўқувчиларнинг ёшига катта эътибор беришлари лозим. Агарда шундай қилинмаганда, у китоб «адрессиз» бўлиб, катталарга ҳам, болаларга ҳам кераксиз бўлиб қолади»[1]. Болаларга мўлжаллаб ёзилган асарда, айниқса, коммунизм ғояларига хизмат қилувчи, олижаноблик, ватанпарварлик, инсонпарварлик хислатларини тарбияловчи жиҳатларга катта эътибор берилади. Ёш китобхон ўзи ўқиб турган китобдаги мураккаб воқеалар, характерлар мантиқига чуқур кирмайди. Кескин воқеалардан, қаҳрамонларнинг бешафқат курашидан қаттиқ таъсирланади.

Катталар ва болалар адабиёти ўртасидаги муштарак хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) болалар адабиёти ҳам воқеликни образлар воситасида гавдалантиради;

[1] Ўзбек совет болалари адабиёти. **Тузувчилар:** П. Шермуҳамедов ва бошқ. Т., «Ўқитувчи». 1976, 8—10- бетлар.

2) болалар адабиёти, умуман, бадиий адабиёт иш кўрадиган барча ижодий принципларга таянади, шулар асосида иш кўради. Жумладан, социалистик реализм болалар адабиётининг ҳам ижодий методидир. Болалар адабиёти ҳам умуман, бадиий адабиётда мавжуд барча жанрларда иш кўради. Болалар учун ҳам, «катталар» адабиётида бўлгани сингари исталган мавзуда ижод этиш мумкин. Болалар ва катталар адабиётлари ўртасидаги бундай муштараклик замирида улар орасидаги фарқни ойдинлаштирувчи хусусият ҳам мавжудки, буни ёдда тутиш лозим. Бу хусусият атоқли совет педагоги ва талантли адиб А. С. Макаренко таъбири билан айтганда, *нима ҳақда ёзишда эмас, балки қандай ёзишда* намоён бўлади. Муддао шундаки, болалар адабиёти ижтимоий онг формаси сифатида болаларнинг борлиққа қарашларини, воқеаларни баҳолашдаги ўзларига хосликларини, демак, навқирон авлоднинг борлиққа бўлган эстетик муносабатларини ифодалайди. Болалар адабиёти тарбия қуроли сифатида кичкинтойларга кенг билим бериш функциясини ҳам бажаради, уларнинг қизиқиш доирасини кенгайтиради. Болалар оламини айнан ўзича, болаларга хос нуқтаи назардан бадиий тадқиқ қилади. Болалар адабиётининг бош хусусияти ҳам ёзувчининг нарса-ҳодисаларга болалар кўзи билан қарай билишида, уларни болаларча идрок эта билишида, уларга болаларча муносабат кўрсата олишида.

Болалар адибининг жиддий вазифаси китобхоннинг ёш хусусиятларини, психологиясини, савиясини назарда тутган ҳолда ижод этишдан иборат.

Педагогик-психологик томондан болаларнинг ёш хусусиятлари қуйидаги уч группага бўлинади:

1) Мактабгача тарбия ёшидаги болалар — 7 ёшгача.

2) Мактаб ёшидаги кичик болалар — 7 ёшдан 11—12 ёшга қадар.

3) Ўрта ва катта ёшдаги мактаб болалари ёки ўсмирлар: 11—12 ёшдан 17—18 ёшга қадар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, болаларга бағишланган тарихий проза асарлари орасида кичкинтойлар учун ёзилганлари жуда кам эканлиги сир эмас. Асосан, ўрта ёшлилар ва ўсмирларга мўлжалланган асарлар кўп. «Ўсмирлар учун ёзиладиган китоблар болаларга коммунистик дунёқарашнинг асосларини бериши, уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаши керак. Бир неча асрлар давомида кишилар томонидан вужудга келтирилган ва тараққий эттирилган маданият, қуллик ва эксплуатациядан қутулиш учун меҳнаткаш халқнинг олиб борган синфий кураши, социалистик Ватан, меҳнат, дўстлик, интернационализм — буларнинг ҳаммаси — шу ёшдаги болаларни қизиқтирадиган темалардир»[1].

Шу нуқтаи назардан ўзбек адабиётида сўнгги даврда яратилган тарихий-қаҳрамонлик асарлари, ўтмишдаги буюк аждодларимиз олиб борган озодлик ҳаракатлари ва буюк ақл соҳибаларининг зулмат ва жаҳолатга қарши тинимсиз олиб борган маънавий курашлари тасвири ёш авлод тарбиясида муҳим аҳа-

[1] Қаранг: «Болалар адабиёти». Т., «Ўқитувчи», 1957, 5- бет.

мият касб этади. Тарихий-бадиий адабиётнинг кейинги йилларда таъин кўлами кенгайгани, ўқувчилари сони янада кўпайгани, етук санъаткорлар сафига ёш, талантли ижодкорлар қўшилиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир.